

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ  
ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ  
АСОСЛАРИ**

**Менглиев Фахриддин Валиевич**

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар Академиясининг

*Олий таълимдан кейинги таълим факультети мустақил изланувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг ташкилий-институционал асослари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти асосан қўйидаги шаклларда амалга оширилади: вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари орқали; ҳалқ депутатлари Кенгашларининг гурӯхлари орқали.

**Калит сўзлар:** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; ҳуқуқбузарлик; жиноят; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; жиноятларнинг сабаблари; жиноятларнинг шароитлари; жиноятчиликка қарши курашиш; ҳалқ депутатлари кенгашлари.

**ОРГАНИЗАЦИОННО-ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ  
МЕСТНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ В СФЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПНОСТИ.**

**Аннотация.** В данной статье анализируются организационные и институциональные основы деятельности органов местного самоуправления в сфере профилактики преступности.

По мнению автора, деятельность местных органов государственной власти в сфере профилактики преступности осуществляется преимущественно в следующих формах: через аппараты управления областной, городской и районной администрации; через группы Советов народных депутатов.

**Ключевые слова:** органы местного самоуправления; преступление; преступление; предотвращение преступления; причины преступлений; обстоятельства преступлений; борьба с преступностью; Советы народных депутатов.

## ORGANIZATIONAL AND INSTITUTIONAL BASIS FOR THE ACTIVITIES OF LOCAL GOVERNMENT BODIES IN THE FIELD OF CRIME PREVENTION.

**Annotation.** This article analyzes the organizational and institutional foundations of the activities of local governments in the field of crime prevention.

According to the author, the activities of local government bodies in the field of crime prevention are carried out mainly in the following forms: through the management apparatus of the regional, city and district administration; through groups of Councils of People's Deputies.

**Key words:** local governments; crime; crime; crime prevention; causes of crime; circumstances of the crimes; crime control; Councils of People's Deputies.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ташкилий-институционал асосларнинг қай даражада шакллантирилганлигига боғлиқ ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудларда умумий раҳбарлик қилувчи орган ҳисобланганлиги сабабли уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти ҳам бирмунча умумий мазмунга эга.

Таҳлиллар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилишини кўрсатмоқда: вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари орқали; халқ депутатлари Кенгашларининг гуруҳлари орқали.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг амалга оширилиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори билан тасдиқланган тегишли намунавий низомларда ҳокимлик аппаратларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ваколatlари белгиланган.

Мазкур бошқарув аппаратларининг асосий вазифаларидан бири сифатида “қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, табиий оғатлар, эпидемиялар ва бошқа экстремал ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш” назарда тутилган.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг бошқарув аппаратлари тузилмаси “ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-назорат гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, Болаларни ҳимоя қилиш масалалари

котибияти, юридик хизмат, ахборот-таҳлил гуруҳи, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарларининг котибиятларидан иборат”лиги белгиланган .

Мазкур тузилмада айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Бошқарув аппаратининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш қўйидагича ташкил этилади “а) маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ўзини ўзи бошқариш ва ёшлар сиёсати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

жамоат тартибига риоя этишни, фуқаролар хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ва соғлиғини муҳофаза қилишни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, паспорт-виза режимига риоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этган шахслар билан ишлаш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлатнинг бошқа органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича давлат дастурлари тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятчиликни қисқартириш шакллари ва усулларини, шунингдек чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

жиноятчилик, тероризм ва диний экстремизмга қарши курашишга жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларини ташкил қилиш йўли билан қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларини шакллантиришни, шу жумладан уларни тўплаш, сақлаш ва янгилаб боришни, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкорлик билан фойдаланишга доимий тайёр бўлишни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегаралар яқинидаги муаммоларни ҳал этиш, нолегал миграцияга қарши курашиш, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш масалалари билан боғлиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан назоратни таъминлаш;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, қасбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оиласиий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла институтининг аҳамияти тўғрисида аҳолини, айниқса ёшларни кенг хабардор қилиш, шунингдек энг аввало, камол топаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оиласиий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оиласларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига манзилли ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, одамларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштиришда маҳаллаларнинг фаолиятини ҳар томонлама ёритиш бўйича тизимли ишларни оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ташкил этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йиғинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизmlарини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг минтақавий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам қўрсатиш соҳаларида кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни таъминлаш;

фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига давлат органларининг қўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

фуқаролар йиғинлари ишларини тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтнинг минтақавий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасида қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш;

ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни ташкил этиш;

ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оиласарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилиш;

иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, жисмоний соғлом ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига ҳалқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий маданий ва маънавий меросни эҳтиётлаб асраш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, шунингдек маданият, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш ва таклифлар ишлаб чиқиш” .

Бироқ таҳлиллар вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари ҳамда туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ташкилий асослари тўла шаклланмаганигини кўрсатмоқда. Ҳолбуки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг асосий фаолияти туман ва шаҳарларда амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи муҳим ўрин тутади. Хусусан, Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2022 йил 10 декабрдаги 645-сонли қарори билан тасқиқланган Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофоза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи тўғрисидаги низомга асосан Ҳуқуқни муҳофоза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қўйидаги вазифаларни бажаради:

жамоат тартибига риоя этишни, фуқаролар хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда соғлигини муҳофоза қилишни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, паспорт-виза режимига риоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларида ҳуқуқни муҳофоза қилиш органлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этган шахслар билан ишлаш масалаларида ҳуқуқни муҳофоза қилиш ва давлатнинг бошқа органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича давлат дастурлари тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятчиликни қисқартириш шакллари ва усулларини, шунингдек чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларини ташкил қилиш йўли билан қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳлар фақатгина Тошкент шаҳар ҳамда вилоят ҳокимликлари тизимида мавжуд ҳисобланади. Туман ва шаҳар ҳокимликлари тизимида эса бундай тузилманинг йўқлиги ўз навбатида туман ва шаҳарлар даражасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини янада самарали ташкил этишга салбий таъсир қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари негизида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муҳим вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги “Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва болалар масалалари бўйича қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 363-сон қарори билан тасдиқланган Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги Намунавий низомга асосан қўйидагилар ҳудудий комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

“боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар амалга оширилишини ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг олиб бориш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда маҳаллий давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, туман (шаҳар) комиссияларининг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш”.

Юқоридаги вазифалар бажарилишининг аксарияти тўғридан-тўғри маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида 2023 йилда Болалар масалаларига оид комиссия йиғилишлар сони 495 тани ташкил этиб шундан сайёр қабул тарзда 97 марта, вояга етмаганларнинг таълим олишлари билан боғлиқ кўрилган масалалар 196 марта, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик,, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатлари юзасидан кўрилган масалалар 57 марта, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан кўрилган масалалари 145 тани ташкил этган.

Вилоятда вояга етмаган болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 2023 йил 11 ойи давомида болалар масалалари боғлиқ бўлган 170 дан ортиқ суд жараёнларига ишончнома ва уларнинг яшаш шароитлари тўғрисидаги хulosалар, психолог мутахассислар ҳамда қонуний вакиллари билан бирга иштирок этган ҳолда болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, моддий ва мулкий, оиласда ота ёки она билан бирга яшаш ҳуқуқлари таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Меҳр дафтари” тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 26-сон қарори асосида ҳозирги кунда жами 515-нафар ёрдамга муҳтоҷ болалар вилоятнинг шаҳар ва туман ҳокимликлари қарори билан платформага киритилган.

Маҳаллий давлат ҳокимиюти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини амалга оширишда халқ депутатлари кенгашлари ҳам мұхим ўрин тутади. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда халқ депутатлари кенгашларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти асосан қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

биринчиси – тегишли прокурорларнинг, ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, шунингдек тегишинча ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини эшитиш ва үнинг натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси оид қарорлар қабул қилиш орқали;

иккинчиси – тегишли ҳудудда ҳүқуқбұзарликлар профилактикасига оид махаллий дастурларни қабул қилиш орқали;  
үчинчиси – тегишли ҳудудда ҳүқуқбұзарликлар профилактикасига оид қарорлар қабул қилиш орқали;  
түртінчиси – депутатлар сўрови орқали.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта ги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3141186>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/1521661?query=%D0%BC%D0%B0%D2%B3%D0%B0%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%B9%20%D0%B4%D0%B0%D0%B2%D0%BB%D0%B0%D1%82&exact=1#sr-1>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/4704?query=%D0%BC%D0%B0%D2%B3%D0%B0%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%B9%20%D0%B4%D0%B0%D0%B2%D0%BB%D0%B0%D1%82&exact=1#sr-1>
6. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/3610935>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/acts/3610935>.